# АҲОЛИНИНГ ОЗИҚ-ОВҚАТГА, САНОАТНИНГ ХОМ АШЁГА ТАЛАБЛАРИНИ ТЎЛАРОҚ ҚОНДИРАЙЛИК

(Боши 1-бетда).

Ўтган йил якунларини таҳлил этайлик. Ғоят қийин шароит кимнинг нималарга қодирлигини кўрсатди. Тадбиркор ва ишбилармон ҳам, уқувсиз ва ишбилмас ҳам сувнинг бетига қалқиб чиқиб қолди. Мана, қаранг: 218 колхоз, 156 совхоз, 9.424 бригада пахта тайёрлаш планини ошириб-тошириб бажарди. Илғорларнинг номларини фахрланиб тилга оламиз. Хонқа ва Гурлан районларининг азаматлари ҳар гектардан мутаносиб равишда 33 ва 30 центнердан, Шўрчи райони 34,5, Чиноз салкам 32, Олот, Ўзбекистон, Қува районлари қарийб 30, Мирзачўл 27,5 центнердан ҳосил етиштиришди. Энди пешқадам хўжаликлар билан танишинг: Амударё районидаги Жданов номли, Ленин районидаги «Правда Востока», Ғиждувондаги Энгельс номли, Косондаги Ленин номли, Қизилтепадаги «Ленинград», Тўрақўрғондаги Калинин номли, Пахтачидаги Карл Маркс номли, Шўрчидаги Киров номли, Ўрта Чирчиқдаги Охунбобоев номли, Ленинград районидаги Энгельс номли, Гурландаги «Коммунизм», Хонқадаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозлари, Тўрткўл районидаги «Ленинизм», Мирзачўл районидаги «Ўзбекистон», Қарши районидаги «Партия XXII съезди», Жомбой районидаги «Жомбой», Деновдаги «Ҳазорбоғ», Ўзбекистон районидаги «Комсомол» совхозлари маррани дадил эгалладилар. Шу ўринда бир нарсага эътибор қилинг-а: пахтачиликда қолоқ Самарқанд областининг энг қолоқ Жомбой районида илгари ўтакетган қолоқ ҳисобланган «Жомбой» совхози аъло кўрсаткичга эришгани, бошқа хўжаликлар қолоқлигича қолишгани тасодифий эмас. Партия комитетлари, РАПОлар, матбуотимиз бундай ғолиблик сир-синоатини ўргансалар, тарғиб этсалар, кенг ёйсалар яхши бўларди. Бизга ҳозир шундай йўл тутиш ниҳоятда зарур. Бугун биз пахтачилигимиз пешқадамларига, жонкуярларига, моҳир деҳқонларга, ажойиб тажрибакорларга ташаккур изҳор этамиз ва уларнинг сафи тезроқ кенгайсин, деймиз. Бир вақтлар «Илғорлар кўпайсин, қолоқлар қолмасин» деган халқ қўшиғи бўларди. Эндиликда ана шу сўзлар жанговар шиорга айланишини истардик.

Афсуски, ўртоқлар, ғолиблар соясида нима кўп — қолоқлар кўп. Шуларнинг касри билан беш йилликнинг икки йилида давлатга 1,5 миллион тоннадан зиёд пахта кам топширилди. Энг катта қарздорлар: Қашқадарё области 400 минг, Самарқанд 246 минг, Андижон 221 минг тонна хом ашёни етказиб беришмади. Избоскан, Жиззах, Шаҳрисабз, Оқдарё, Иштихон районлари сурункасига икки йилдан буён пахта сотиш планларини бажармай келишади.

Ўтган йили 106 район, 911 колхоз ва совхоз маррага етмади. Республика бўйича ҳар гектардан олинган ҳосил бор-йўғи 23 центнер бўлди. Майдонларнинг учдан бир қисмидан кўпроғида ҳосилдорлик гектар бошига 15—20 центнер ўртасида қолди. Энг кам ҳосил олганлар қаторига Хатирчи, Когон, Большевик, Комсомолобод, Навоий, Муборак, Қораўзак, Зарбдор, Усмон Юсупов, Баҳористон районларини киритиш мумкин. Бу ва бошқа жойларда, аксарият хўжаликларда, биласизми, айтишга тил ҳам бормайди — бир туяга юк бўладиган миқдорда, яъни 8—13 центнер пахта етиштирилди. Орияти бўлган одам буни ернинг умрини беҳуда ўтказиш, сувни бекорга оқизиш, ўғитни ҳавога совуриш, техникани мақсадсиз юргизиш, маблағни кўчага ташлаш деб баҳолайди. Шунга қарамасдан район партия комитетлари хотиржам, райижрокомлар хотиржам, РАПОлар хотиржам, раис, директор, партком секретари хотиржам. Гўё фавқулодда ҳолат содир бўлмагандай, ўпирилишга тушиб қолмагандай сезишади ўзларини. Йўқ, биродарлар, бунақаси ярамайди. Энди хотиржамлик, беғамлик кетмайди, бу ҳоллар қайта қуриш табиатига тўғри келмайди. Бизда алмашмаган раҳбар қолмади, ҳадеб алмаштириш, рости гап жонга ҳам тегди. Лекин барибир шундай қилишга мажбурмиз, шекилли. Ё жон куйдириб ишлаш, ёки ўринни ишлайдиганларга бўшатиб қўйиш керак. Бошқа илож йўқ.

Хўш, пахтачиликда турғунлик рўй берганининг сабаби нимада? Ҳамма иллат шундаки, бу тармоқ кейинги йилларда нуқул экстенсив тарзда, яъни миқдор орқасидан қувиш йўлидан борди. Алмашлаб экишга зиён етказиш, озуқабоп экинлар, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириладиган ерлар ҳисобига чигит экиладиган майдонлар кенгайтирилаверди. Бу эса тупроқнинг дармони қуришига, бинобарин экинлар ҳосилдорлигининг пасайишига, чорвачиликни ривожлантиришнинг негизи ҳисобланган озуқа базасининг баракаси кетишига олиб келди.

Ана шундай қийин шароитда КПСС Марказий Комитети республикамизга нисбатан оталарча ғамхўрлик кўрсатди — Ўзбекистонда пахтачиликнинг ҳолати ҳақидаги масалани кўриб чиқди ва жорий йилдан эътиборан пахта етиштириш ҳажми 500 минг тоннага камайтирилди. Шу тариқа пахтакор хўжаликлар тармоқ ишларини илмий асосда юритиш, алмашлаб экишни жорий этиш, ернинг унумдорлигини ошириш, шу йўл билан ҳосилдорликни юксалтириш, планни сўзсиз бажариш имкониятига эга бўлдилар.

Пахтачилик тарихида биринчи марта 1988 йилда чигит экиладиган майдонлар ҳажми пастдан туриб, областларнинг таклифларига биноан белгиланди ва ўтган йилдагидан 137 минг гектар қисқартирилди. Очиғини айтиш керакки, бундай қатъий бурилиш, эски қолипни бузиш осон тушмади. Қатор хўжаликларнинг раҳбарлари планлаштиришдаги мустақилликнинг моҳиятига тушуниб етмаётирлар, бошқа экинлар ҳисобига чигит экиладиган майдонларни кенгайтиришга интилмоқдалар. Шу тариқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни ривожлантириш программаси ижросини хавф остида қолдирмоқдалар. Бундай қилманглар, ўртоқлар, биз бунга барибир йўл қўймаймиз. Фойда ўрнига зиён кўришнинг кимга кераги бор, ахир!

Ҳозир республикада деҳқончилик ва чорвачиликнинг барча тармоқларини комплекс юксалтириш учун ҳамма имконият мавжуд. Бунинг учун чуқур таҳлил, жиддий ёндашув, юксак масъулият, ишнинг кўзини билиш талаб этилади.

Шу муносабат билан пахтачиликни жадал ривожлантиришнинг биринчи галдаги асосий вазифалари хусусида батафсил тўхталиб ўтмоқчиман.

**Биринчидан.** Биз илгари алмашлаб экиш ҳақида кўп гапирардик, унинг ўзлаштирилиши юзасидан ҳисоботлар берардик, процентларни бўрттириб кўрсатишга уринардик. Амалда эса алмашлаб экишнинг ўзи йўқ эди.

Эндиликда шунчаки алмашлаб экиш тўғрисида эмас, пахта-беда алмашлаб экиш, бедапоялари албатта бўлган алмашлаб экишни барча майдонларда сўзсиз жорий қилиш ҳақида гап бормоқда. Буни унутиш ярамайди, буни ҳар иккала қулоқ билан эшитиб олиш ва ижро қилиш зарур.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VII пленуми қарорига биноан пахтакор хўжаликларда албатта пахта-беда алмашлаб экиш ўзлаштирилиши керак. Пахта комплексида беда салмоғи 14 процентдан 22 процентга етади, чигит экиладиган майдонлар эса қисқариб боради ва беш йиллик охирида 67 процентни ташкил этади.

Пахтанинг беда сингари ўтмишдошини деҳқончилик тарихи ҳалигача кўрган эмас. Беда хосиятли, ҳикматли, тенгсиз, бебаҳо экин. Шунинг учун ҳам алмашлаб экиш лойиҳаларига қатъий амал қилмоқ лозим. Бундай фикрни билдираётганимизнинг боиси шуки, амалдаги лойиҳалар, худди бошқа агротехник қоидалар каби қўпол равишда бузилмоқда.

Алмашлаб экиш фақат 28 районда, бор-йўғи 278 хўжаликда ўзлаштирилганини афсусланиб таъкидлаймиз. Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Бухоро, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Фарғона областларида алмашлаб экишга тўла ўтган бирорта район йўқ. Бундай ҳол пахта, озуқа, дон, мева, сабзавот, узум етиштиришда интенсив технологияларни қўлланишга тўсқинлик қилмоқда.

Колхозлар, совхозлар раҳбарлари ва мутахассисларининг, партия, совет, хўжалик органларининг вазифаси деҳқончиликни юритишнинг илмий асосланган системасига кўчишни таъминлашдан, бу ишда бачканаликка йўл қўймасликдан иборатдир. Чунки буларнинг ҳаммаси фойдали ва зарур ишга путур етказиши, уни чиппакка чиқариши мумкин. Бу йил алмашлаб экиш даражаси хўжаликларда бедазорларнинг қандай жойлаштирилишига қараб белгиланади. Экинларни алмашлаб экиш схемалари бўйича аниқ тақсимлаш биринчи шарт бўлиб, бу иш шу кунларда амалга оширилмоғи лозим. Демак, фурсатни бой бериш ярамайди.

Илмий-техника тараққиётининг бошқа тадбирларини, масалан туксизлантирилган чигитни санаб ташлайдиган сеялкалар ёрдамида уяларга ташлаш, уруғни аввалдан тайёрлаб қўйилган пушталарга экиш, ерни чуқур ағдариб ҳайдаш, ғўзани суғоришни механизациялаш ва ҳосил салмоғини оширадиган яна қанчадан-қанча фойдали юмушларни бажаришга менсимаслик билан қараш жуда хавфлидир. Илмий-техника тараққиёти масалаларида бефарқлик кетмайди. Ҳар бир раҳбар, ҳар бир мутахассис ва бригадир энг кам сарф-харажат ҳисобига ғоят салмоқли натижаларга эришишга интилмоғи зарур.

**Иккинчи**, ниҳоятда зарур шарт — уруғчиликда тартиб ўрнатиш.

Пахтакорларимиз селекциячиларга ҳақли равишда жиддий эътироз билдиришмоқда. Ахир бизда ҳар йили ғўзанинг 25 ва ундан кўпроқ нави ўстирилаётганига чидаб бўладими! Илдиз отган зарарли одатга кўра олимлар айрим сортлар хусусиятларини шошмашошарлик билан, кўзни чирт юмганларича мақтаб кўрсатишадию, уларни районлаштиришга ёки катта-катта майдонларга экишга тавсия этишади. Қарабсизки, бу навларнинг толаси ҳам, бошқа сифатлари ҳам талабга жавоб бермайди. Ҳар бир нав парваришининг эса ўзига хос агротехникаси бор. Хўжаликлар бир неча навдаги ғўзани ўстиргач агротехникага риоя қилиб бўпсиз!

1987 йилда колхоз ва совхозларнинг 45 проценти икки ва ундан кўп нав чигитини экди. Бундай хўжаликлар Фарғона областида 80 процентни, Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё областларида 60 процентдан зиёдроқни ташкил этди. Турли типдаги тола берувчи уч, ҳатто ундан зиёд селекция навлари Бувайда, Боғдод, Қува, Гагарин, Жарқўрғон, Ульянов, Поп ва бошқа районларнинг ҳамма хўжаликларида ишлатилди.

Кўплаб навларнинг экилиши уруғчилик хўжаликлари ишига, пахтани тайёрлаш, қайта ишлаш жараёнида навларнинг аралашиб кетишига, эскидан экиб келинаётган яхши навларнинг бузилишига олиб келмоқда, тола сорти ва сифатига жиддий зиён етказмоқда.

Хўш, бунинг кимга фойдаси бор? Бундай ўзибўларчилик ва интизомсизликка қачон чек қўйилади? Фикримизча, бундай ҳолларнинг ҳар бирида айбдор аниқланиши, унга нисбатан чора кўрилиши керак. Ўз навбатида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси шу йил 10 февралда роса 272 кишини бирлаштирган Г. С. Зайцев номли Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти ишини муҳокама этиб, уни қониқарсиз деб топди. Бу гап «Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига ҳам, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг бошқа муассасаларига ҳам тегишли.

**Учинчи масала** қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаш негизи ҳисобланган комплекс механизациялашга боғлиқ. Мана бу рақамларга эътибор беринг: колхоз ва совхозлар ихтиёридаги жами техника қиймати қарийб 3 миллиард сўмликни, ҳайдаладиган ҳар гектар ҳисобига 700 сўмликни, ҳар бир тракторчи-машинист ҳиссасига 15 минг сўмликни ташкил этади.

Ана шундай қудратли куч билан агротехниканинг асосий тадбирларини қўл меҳнатисиз бажариш, техникавий имкониятлардан самарали фойдаланиш эвазига барвақт етилиб пишадиган мўл пахта етиштириш, ҳосилнинг асосий қисмини машиналарда йиғиб олиш бемалол мумкин. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги», «Малик», «Социализм», «Гулбоғ», Султон Сегизбоев номли совхозлар, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, Боёвут районидаги «Коммунизм», Сирдарё районидаги «Ленинград», Комсомол районидаги «Коммунизм» ва бошқа кўплаб хўжаликлар тажрибаси бунинг ёрқин мисолидир. Бир вақтлар механизаторлик билан шуҳрат қозонган, эндиликда колхоз ва совхозларни бошқараётган Жавод Кўчиев, Миразиз Рўзматов, Шоймардон Қудратов, Ҳафиз Полвонов, Ойим Камоловаларнинг кўп йиллик ибратлари комплекс механизацияни қўлланмай туриб мақсадга эришиш мумкин эмаслигини исботлайди.

Терим техникасидан унумли фойдаланилаётган районлар ва хўжаликларда пахтачиликни ривожлантиришда ажойиб кўрсаткичларга эришилмоқда. Уларнинг тажрибаси агрегатлар кучига таянилган тақдирда ҳосилнинг 90 проценти, ҳатто ундан кўпроғини қўл меҳнатисиз бемалол йиғиб олиш имкони борлигини кўрсатади. Бу эса машиналардан ҳадеб нолийдиган, шу тариқа ўзларининг иш билмасликларини, консерватизм кайфиятида эканликларини ниқобламоқчи бўлган айрим раҳбарлар сирини фош этади.

Умуман олганда, ўртоқлар, йиғим-теримни зангори кемалар зиммасига юклаш пахтачиликни комплекс механизациялашнинг танг, мураккаб жиҳати бўлиб келмоқда. Очиғини айтсак, гап кўп — иш оз, изланиш, жон куйдириш йўқ. Мана неча йиллар бўлдики, ҳосилнинг 60 процентини агрегатларда териб олиш вазифаси қўйилади. Бунинг учун техника ҳам, механизаторлар ҳам етарли. Аммо ҳар гал ваъда ваъдалигича қолади. 1987 йилда ҳам шундай бўлди: машиналарда бор-йўғи 2 миллион 56 минг тонна ёки тайёрланган пахтанинг атиги 42 проценти йиғиштирилди. Етмишинчи йилларнинг бошларида ҳам худди шундай кўрсаткичга эришилганди.

Демак, олға силжиш, ўсиш сезилмаяпти. Бошқа механизмлардан ҳам ёмон фойдаланилмоқда. Хўжалик ҳисобига, коллектив пудратга ўтиш шароитида бунга йўл қўйиб бўлмайди. Механизациялаш даражасини ошириш сарф-харажатларни камайтиришнинг, меҳнат унумдорлигини оширишнинг, хўжасизликка, талон-торожликка барҳам беришнинг асосий омилидир. Шу ўринда пахтачилик учун такомиллашган машиналар туркумини, айниқса терим техникаси комплексини яратиб бермаётган илмий муассасалар фаолияти ҳам танқид ва танбеҳга лойиқ эканлигини алоҳида таъкидлаймиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг йўли аниқ ва ўзгармасдир: теримда бутун оғирликни машиналар зиммасига юкламасдан туриб пахтачиликни янада ривожлантириш мумкин эмас. Шундай экан, 1988 йилда ҳосилнинг камида 60 процентини зангори кемаларда йиғиб олишни катта ишнинг бошланиши деб тушунмоқ керак.

**Тўртинчидан**, минерал ўғитлар ва ҳосилни ҳимоя қилишда ишлатиладиган дориворлар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Бу воситаларни ишлатиш нормаси йил сайин кўпаймоқда, сифати ошмоқда, лекин уларнинг самарадорлиги пасаймоқда. Кейинги уч йилда республикада бир килограмм озуқа моддалари ҳисобига атиги 2,2 килограмм пахта олиндики, бу нормативда кўзда тутилганидан 30 процент кам. Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Навоий областлари ва Қорақалпоғистон АССРда эса ана шу кўрсаткич бундан ҳам озроқни, яъни 1,2—1,6 килограммни ташкил этди.

Бундай аҳвол нима сабабдан рўй бермоқда, деган савол туғилади. Иллат шундаки, ўғитларни ишлатишда, очиғини айтсак, саводсизликка йўл қўйилмоқда, уларнинг ўзаро таъсири, ернинг талаби ҳисобга олинмаяпти. Ўғит тақсимотида, уни сақлашда, ерга солиш учун тайёрлашда тартибсизлик ҳукм сурмоқда. Шунга қарамасдан хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети, унинг жойлардаги ташкилотлари химиялаш пунктларини ташкил этиш, унумдорлик отрядлари тузишда интизомсизлик қилмоқдалар. Бу ишларни ҳар бир колхоз ва совхозда йўлга қўймасдан, ўғитлардан фойдаланишда қатъий тартиб ўрнатмасдан туриб далалар унумдорлигини ошириб бўлмайди.

Маҳаллий ўғитнинг хосияти деҳқонга маълум. Ота-боболаримиз нури борми, қий борми, парранда чиқиндиси борми, чиринди борми, эски девор кесаги борми, ариқ-зовурлардан чиққан лойқа борми, хуллас, фойдали ҳамма нарсани қишин-ёзин тўплаб, тайёрлаб, ҳозирги тил билан айтганда компост қилиб ерга солишган. Ана шундан кейин пахтанинг, доннинг, сабзавотнинг, ҳовун-тарвузнинг, бошқа неъматларнинг қайнаб чиқишини кўринг. Кечирасизлару, ўртоқлар, бугунги деҳқон ўша захматкаш, меҳнаткаш, донишманд авлоднинг ворислари эмасми?! Нега энди гўнг деган хазина оёқ остида ётади-ю, уни бирор йиғиштириб олмайди? Меъёридан ортиқ ишлатилган минерал ўғит ернинг кучини, дармонини кетказади, уни хароб қилади, лекин нурини қанча солманг, фойдаси шунча катта, у тупроқни тозалайди, даволайди, бойитади, кўпчитади, яшартиради, чиройини очади. Мен сизлардан илтимос қиламан, келинг, шу ишда кескин бурилиш ясайлик, навбатлаб нури беришни амалда жорий этайлик.

Сўнгги йилларда ҳосилни ҳимоя этишнинг биологик, агротехник, табақалаштирилган усулларини қўлланиш сезиларли бўшашиб кетди. Олимларнинг вилтга қарши кураш соҳасидаги ишлари самара бермаяпти, бунинг оқибатида ҳар йили 300—350 минг тонна пахтадан маҳрум бўлмоқдамиз. ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими ва республика Фанлар академияси бу соҳадаги тадқиқотларни кенгайтиришлари, чуқурлаштиришлари, амалий тавсиялар билан деҳқонга яқинлашишлари керак. Ишлаб чиқариш илм аҳлидан янги, янада таъсирчан гербицидлар, заҳарсиз дефолиантлар яратилишини кутмоқда.

Хуллас, пахтачиликда жуда кўп иш қилмоғимиз, тармоқни ўпирилишдан олиб чиқмоғимиз, бу йил 5 миллион 250 минг тонна оқ олтин етиштиришни виждоний ишимиз, интернационал бурчимиз деб ҳисобламоғимиз зарур. Бизда ҳар йили пландан ташқари 100—150 минг тонна пахта олишнинг реал имкони бор. Ана шу йўлда сизларга, ҳамма пахтакорларга куч-қувват, ғайрат-шижоат ва омад тилаймиз.

## МЎЛ-КЎЛЧИЛИКНИНГ МУҲИМ МАНБАЛАРИ

Дон етиштиришни кўпайтириш энг ҳаётий, энг долзарб вазифа бўлиб келди ва шундай бўлиб қолмоқда.

Лекин ғаллачиликдаги шуҳрат ҳам бой бериб қўйилди. Деҳқончилик маданияти пастлашиб кетгани, ғаллазорлар парвариши технологияси бузилаётгани ҳосилдорликнинг ва ялпи ҳосилнинг кескин камайишига олиб келди. Масалан, 1986 йилда пландагига нисбатан фақат 72 процент, 1987 йилда эса 91 процент дон йиғиштирилди.

Энди аҳволни кескин тузатиш керак. Жорий йилда 1 миллион 700 минг тоннадан зиёд, 1990 йилга бориб эса 2 миллион тонна дон етиштирмоғимиз зарур. Бунинг асосий йўли умуман ҳамма жойда, лекин асосан баҳорикор ерларда ҳосилдорликни оширишдир. Ҳозирги пайтда лалмикор майдонлардан жуда ёмон фойдаланилмоқда, уларда ҳосилдорлик пастлигича қолмоқда. Қониқарсиз аҳволдан чиқиш учун аввало тоза шудгорли алмашлаб экишга ўтиш, деҳқончиликда прогрессив усулларни изчил қўлланиш лозим. Ғаллаоролдаги лалмикор деҳқончилик илмий тадқиқот институти раҳбарларини ҳам инсофга чақириш керакка ўхшайди: олим деган номи бўлгач, ишлаш, ҳаётда из қолдириш, янгилик яратиш керак, ахир!

Суғориладиган майдонларда ҳам аҳвол яхши эмас: ҳар гектардан 40—50 центнер ўрнига 20 центнерга етар-етмас арпа ва буғдой олинмоқда. Маккажўхори дони ҳосилдорлиги ҳақида гапирганда, ростини айтсак, уялиб кетасан киши. Бу масалада партия Марказий Комитети пленумларида, марказий матбуотда республикамиз жиддий танқидга учради. Аммо барибир 1987 йилда ҳар гектардан олинган маккажўхори дони 34 центнердан ошмади, бирорта ҳам область на ҳосилдорлик, на ялпи ҳосил, на дон тайёрлаш планини бажаролмади.

Бундай қолоқликнинг сабаби битта: кўпгина раҳбарлар ва мутахассислар суғориладиган майдонлардан фойдаланишга масъулиятсизларча қарамоқдалар, донли экинларга мелиоратив жиҳатдан ноқулай, сув таъминоти ёмон ерларни ажратмоқдалар, агротехниканинг энг оддий қоидалари бузилмоқда, уруғчилик ишлари издан чиққан.

Шоличиликдаги аҳвол ҳам оғирлигича қолмоқда. Ҳосил етиштириш планлари муттасил бажарилмаяпти. Шоликор совхозларда технология интизоми, айниқса экиш ва ўриб-йиғиб олиш муддатлари қўпол равишда бузилмоқда. Шоликорларни моддий рағбатлантириш, ҳисоб-китоб ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Совхозлар маъмуриятлари билан деҳқонлар ўртасида хўжалик ҳисоби муносабатлари ўрнатилмаган. Ўрим-йиғим пайтида беҳисоб нобудгарчилик рўй бермоқда.

Хуллас, нима кўп — камчилик кўп, нима устун — интизомсизлик устун. Аммо ҳар гектардан 50—60 центнер шоли олаётган илғорлар тажрибасини оммалаштириш билан шуғулланадиган азамат йўқ. Биз партия комитетларидан, совет ва хўжалик органларидан умуман дончиликда, хусусан шоличиликда шу йилнинг ўзидаёқ қаттиқ тартиб ўрнатишни талаб қиламиз.

Республика аҳолисини мева, сабзавот, узум, полиз маҳсулотлари билан таъминлаш муаммоси ўткирлигича қолмоқда. Жамоат секторида ишлаб чиқариш ҳажми озайиб, боғлар, токзорлар, картошка ҳосилдорлиги пасайиб кетаётгани жиддий ташвиш уйғотади. Аҳоли жон бошига бундай неъматларни истеъмол қилиш миқдори қатор йиллардан бери ошмаяпти.

Ўн иккинчи беш йилликнинг ўтган икки йилида мева-сабзавот ишлаб чиқариш плани тўлмай қолди. Сабзавот тайёрлаш топшириғи 42 районда, полиз 48, картошка 29, мева 108, узум сотиш плани 79 та районда бажарилди, холос. Қорақалпоғистон АССРда сабзавот ҳосилдорлиги гектар бошига 72 центнерни, Навоий, Жиззах, Сирдарё, Хоразм областларида 110—130 центнерни ташкил этди.

Теплица хўжалигидан мутлақо қониқарсиз фойдаланилмоқда. Анча қимматга тушган иссиқхоналар майдони 360 гектарга етди, бу жуда кам, лекин шуларнинг ҳам фойдаси кўнгилдагидек бўлмаяпти. Агротехника интизоми бўш, ишнинг кўзини билмаслик, хўжасизлик ҳукм сурмоқда. Бунинг оқибатида Қорақалпоғистон АССРда ҳар квадрат метрдан бор-йўғи 2 килограмм 800 грамм, Қашқадарёда 3 килограмм 900 грамм, Сирдарё ва Жиззахда 3 килограмм 300 граммдан, Хоразм областида 3 килограмм ҳосил олинмоқда. Бу нима деган гап, ўртоқлар? Ахир шундай ҳам ишлаш мумкинми? Ҳар квадрат метрдан 20—25 килограмм ҳосил олинмаса теплица қилишнинг, овора бўлишнинг нима ҳожати бор? Бу ҳақда ўйлаб кўришларингизни, хулоса чиқаришларингизни, аҳволни тузатиш чораларини белгилашларингизни сўраймиз.

Боғлар ҳосилдорлиги пасайиб кетаётганини хўжасизлик ва масъулиятсизлик оқибати деб баҳолашдан бошқа иложимиз йўқ. Кўп жойларда боғ-роғлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган, сийраклашиб кетган, уларда агротехника тадбирлари ўз вақтида ўтказилмайди, касалликлар ва зараркунандаларга қарши кураш олиб борилмайди. Реконструкция ишлари суръати талаб даражасида эмас.

Хўжаликларда тайёрланадиган мева-сабзавотнинг 30 процентини белгиланган нархларда сотиш, шу йўл билан шаҳарликлар таъминотини яхшилаш имкониятларидан ёмон фойдаланилмоқда. Фирма магазинлари сони ҳам ҳали кам. Яқинда газетада Тошкент районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси Рустам Акбаровнинг қизиқ бир мақоласи босилди. Унда ана шу масаладаги тартибсизликлар, қийинчиликлар, сунъий тўсиқлар ҳақида жиддий фикр юритилган. Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети, халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитети ана шу мақолада ўртага қўйилган муаммоларни ҳал этсалар яхши бўларди.

Бу йил бизнинг олдимизда жуда катта вазифалар турибди. Ҳар гектардан олинадиган картошка ҳосилини 150 центнерга, сабзавотни 250—280 центнерга, полиз маҳсулотларини 150 центнерга, мевани 70—80 центнерга, узумни камида 100 центнерга етказиш керак. Бу Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленумининг топшириғи бўлиб, уни бажариш шарт.

Сабзавотчилик ҳақида сўз юритилар экан, областлар ва районлар раҳбарларининг эътиборини тармоқда ихтисослаштириш ва концентрациялашни янада чуқурлаштириш, махсус хўжаликлар тармоғини кенгайтириш зарурлигига қаратмоқчимиз. Бундай колхоз ва совхозларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан бирга маҳсулот сақланадиган, қайта ишланадиган қувватларни ҳам вужудга келтириш қоидага айланмоғи керак. Пахтакор хўжаликларда сабзавот ички эҳтиёж учун етиштирилмоғи, жуда зарур бўлса бирорта бригада сабзавотчиликка ихтисослаштирилмоғи керак. Умуман, ўртоқлар, қуйидаги тартибни албатта йўлга қўйиш талаб этилади: пахта-беда алмашлаб экиш ҳамма жойда изга солиндими, демак пахтакор хўжаликда етакчи тармоқ пахтачилик бўлиб қолсин, алмашлаб экиш планига киритилгани учун ана шу хўжаликда дон ҳам етиштирилсин, тутлар борлиги сабабли пилла қурти ҳам боқилсин, алмашлаб экиш майдонларида беда, силосбоп экинлар ўстирилиши муносабати билан сутчилик ҳам йўлга қўйилсин, маълум миқдорда боғлар, токзорлар бўлса шунга яраша мева, узум тайёрлансин. Булардан бошқа маҳсулотлар, айниқса сабзавот, қовун-тарвуз, узум, гўшт ихтисослаштирилган хўжаликларда етиштирилиши зарур. Шундай қилсак, интизом ўрнатилади, ҳисоб-китоб яхшиланади, ким нима билан шуғулланишини, асосий кучни қаерга сарфлашини яхши билади.

Ўртоқлар! Суғориладиган деҳқончилик тараққиёти ирригация ва мелиорация билан бевосита боғлиқ. Бу мақсадлар учун ҳар йили қарийб 1 миллиард сўм сарфланмоқда. Узоқ давр мобайнида нуқул янги ерларни ўзлаштиришга зўр берилдию, аммо эскидан ҳайдалиб келинаётган майдонлар ҳолатини яхшилаш, ирригация тармоқларидан оқилона фойдаланиш унутиб қўйилди. Бунинг оқибатини кўриб турибсиз: ҳозир 500—600 минг гектар ернинг сифатини сира кечиктирмасдан, тезроқ яхшилашга мажбурмиз. Шуни ҳисобга олиб ўн иккинчи беш йилликда аввал планлаштирилганига нисбатан 144 минг гектар янги ер кам ўзлаштирилади, эскидан экин экиб келинаётган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга сарфланадиган маблағ ҳажми кўпайтирилади. Бу — жуда катта, ғоят муҳим иш, унга панжа орасидан қараб бўлмайди. Лекин ҳозирча ажратилган маблағлар қониқарсиз ишлатилмоқда, мелиорация ишлари суръати пастлигича қолмоқда. Бундай эътиборсизликка, совуққонликка чек қўйиш зарур.

Ер — бизнинг асосий бойлигимиз, хазинамиз, ҳаётимиз манбаи. Уни кўз қорачиғидай асрашимиз, унумдорлигини оширишимиз, ҳар қаричидан самарали фойдаланмоғимиз зарур. Ерга ҳурматсизлик — онага ҳурматсизлик degани. Уни қадрламаган одамнинг боғи кўкармайди, бири икки бўлмайди. Шундай экан, ерга иложини топиб бир гектар бўлса ҳам, бир парча бўлса ҳам ер қўшиш, ерни тартибга келтириш бизнинг муқаддас бурчимиздир. Бу ишда ҳеч мустасносиз барча қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ташкилотлари, ҳар бир колхоз ҳамда совхоз бевосита қатнашмоғи шарт. Шу ниятда ажойиб миллий анъаналаримизни ишга солсак, ерни «даволаш» йўлида умумхалқ ҳашари эълон қилсак, хайрли ташаббус бошлаган бўлардик.

Халқимизда «Сув зар — сувчи заргар», «Сувчи — экинни яшнатувчи» деган ҳикматлар бор. Афсуски, кейинги йилларда бу касбга эътибор сусайиб кетди. Сувчилар етишмаяпти. Бунга сабаб шуки, унинг меҳнати дуруст рағбатлантирилмаяпти. Ёшларни сувчиликка жалб этиш билан ҳеч ким шуғулланмайди. Хуллас, ҳамма иш ўз ҳолига ташлаб қўйилганки, бу нуқсонни дарҳол тузатиш шарт.



СУРАТДА: анжуман иштирокчилари.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотоси.

## ЗАРБДОР ТАРМОҚНИ ҚОЛОҚЛИКДАН ТЕЗРОҚ ЧИҚАРАЙЛИК

Ўртоқлар! Пахтакорлик билан ёнма-ён турган қадимий касбимиз — чорвачиликка меҳр-муҳаббат, алоҳида диққат-эътибор бугунги кунда айниқса катта аҳамиятга эга. Тармоққа худди шу нуқтаи назардан қарашга ўргана бошлаганимиз учун ҳам кейинги пайтларда бирмунча ижобий ўзгариш рўй берди. 1985 йилдагига нисбатан сут ва гўшт тайёрлаш 22 процент, тухум харид қилиш 24 процент ошди. Бошқача айтганда, республика аҳолисига 65 минг тонна гўшт, 168 минг тонна сут, 260 миллион дона тухум кўп етказиб берилди. Ҳар сигирдан соғиб олинадиган сут 370 килограмм ошди ва 2.316 килограммга етди.

Бундай ўсишга аввало чорвачиликка муносабат яхшилангани, фермаларда бирмунча тартиб ўрнатилгани, энг муҳими — мустаҳкам озуқа базаси яратишга киришилгани туфайли эришилди. Сўнгги икки йилда бедазорлар майдони 96 минг гектар кенгайди. Ҳозирги қишлов учун қарийб 3 миллион тонна ёки ҳар бош шартли молга 15,5 центнер озуқа бирлиги тайёрланди.

Лекин очиғини айтишимиз керакки, озуқа базасини мустаҳкамлаш имкониятларидан қониқарсиз фойдаланилмоқда. Бу соҳада биров яхши ишлаяпти, бошқа биров қўл учида, истар-истамас, эскичасига иш тутаяпти. Ўзингиз ўйлаб қаранг: кейинги 10 йилда колхоз ва совхозларда моллар сони 30 процент ошган бир пайтда озуқа етиштириш бор-йўғи 12 процент кўпайди. Кўпгина раҳбарларимизнинг кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олишлари оқибатида баъзи озуқа экинларини жойлаштириш топшириқлари бажарилмаяпти, улар алмашлаб экиш майдонларига киритилмаган нобоп ерларга экилмоқда. Ўтган йили текшириш ўтказилганида 9,5 минг гектарга бундай экинлар экилмай қолганлиги аниқланди. Сирдарё областидаги тўрт районда 622 гектар, Хоразм областида 1.042 гектар озуқа экинлари майдони қўшиб ёзилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бундай масъулиятсизлик, алдамчилик, кўзбўямачиликка йўл қўйиш мумкин эмаслиги ҳақида жиддий огоҳлантирган эди. Бугун биз буни яна бир карра такрорлаймиз ва колхоз ҳамда совхозларнинг раҳбарлари озуқа экинларини тўғри жойлаштиришга, уларнинг ўз вақтида, сифатли экилишини таъминлашга жавобгар эканликларини эслатамиз.

Республикада ҳар гектардан 80 центнер озуқа бирлиги етиштириш учун ҳамма имконият бор. Лекин ўтган йили бу кўрсаткич 50 центнердан ошмади, беда пичани ҳосилдорлиги 110 центнер, силосбоп маккажўхори 198 центнер, илдизмева экинлар 345 центнер бўлди, холос.

Айрим областларда бу соҳадаги аҳвол янада ёмон. Қорақалпоғистон АССРда ҳар гектардан олинган озуқа бирлиги 23 центнердан, Жиззах областида 37, Қашқадарёда 39, Сирдарё ва Хоразмда 47 центнердан ошмади.

(Давоми 3-бетда).

*Ажойиб кишилар ҳаётидан*

# УСТОЗИМ — АНТОН СЕМЁНОВИЧ

**Атоқли педагог А. С. Макаренко ўз очеркларидан бирида шундай ёзган эди: «СССРнинг барча гражданлари каби мен ҳам совет авиацияси билан, революциям яратган бу қаҳрамонона мўъжиза билан фахрланаман. Лекин мен бу ифтихор ҳиссини туйишга шахсан ҳуқуқим борлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Бугунги кунда учувчилик шавкатли йўлини танлаган ўнлаб тарбияланувчиларим қўлини қисишни истардим. Лекин бунинг иложи йўқ — улар бутун Иттифоқимиз бўйлаб учиб кетишган, маълумки, мазкур касб эгалари учун масофа ҳеч қандай тўсиқ бўла олмайди.**

**Улардан ҳар бирининг қиёфасини, характерини, феъл-атворини ва қисматини хотирамда жонлантираман, безориликдан ҳаво кемаси штурвалигача, кўчада оч-яланғоч юрган дайди боланинг ажойиб совет граждани даражасигача босиб ўтган машаққатли, айни пайтда дадил ва қувноқ йўлини кўз олдимга келтираман».**

**Шундай учувчилардан бири Макаренко тарбиялаган, Сергей Алексеевич Зелендиев аввал граждан авиациясида, кейин ҳарбий ҳаво кучлари сафида хизмат қилди. Улуғ Ватан уруши даврида Сергей Зелендиев бир қатор мураккаб парвозларни, душман ичкарисига шижоатли рейдларни амалга оширди, икки марта Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.**

**Мана, бир неча йилдирки, Зелендиев Тошкентдаги микрорайонлардан бирида яшаб, кексалик гаштини сураяпти. Яқинда у ўзининг 80 йиллик юбилейини нишонлади.**

**Қуйида штатсиз мухбиримиз В. Окуневнинг Макаренко шогирди билан қилган суҳбатини газетхонлар эътиборига ҳавола этамиз.**

**— Сергей Алексеевич, буюк устоз қўлида тарбия топганлардан Улуғ Ватан уруши йилларида сиздан бошқа яна кимлар жасорат кўрсатган?**

— Максим Горький номидаги колонна ва Дзержинский номидаги коммунада тарбияланганлар барча совет халқи қатори фашист босқинчиларига қарши қаҳрамонларча жанг қилдилар. Макаренко уларга сингдирган янги кишига хос фазилатлар Совет Армияси жангчилари ва офицерлари бўлиб етишишларига ёрдам берди. Орамизда қўрқоқ ва иродасиз кишилар йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Чунки Макаренко шогирдлари болалик ва ўсмирлик йилларида бутун умрга етгулик чинакам ғоявий чиниққан кишилардир.

Уларнинг кўпчилиги ҳукуматнинг юксак мукофотлари билан тақдирланишган. Совет разведкачиларидан жуда кўп масъулиятли топшириқларни бажарган Семён Калабалин, қанчадан-қанча душман техникасини яксон қилган танкчи Григорий Супрун, гвардиячи учувчи Петр Мазуренко... Гитлерчиларга қарши муваффақиятли курашган Павлуша Архангельский, партизанлар сафида жанг қилиб қурбон бўлган Денис Гаргуль... Уларни санаш қийин, хотиралари халқимиз қалбида абадий яшайди.

Макаренконинг кўпгина шогирдлари устоз изидан кетишган. Уларнинг айримлари олий ўқув юртларида дарс бердилар, бошқалари ўз иқтидорларини болаларни тарбиялаш ишига бағишладилар. «Педагогик поэма» асаридан бизга яхши таниш бўлган Семён Карабанов умрининг охиригача мамлакатимиздаги тарбия муассасаларидан бирида хизмат қилди. Унинг вафотидан кейин эса бу ишни рафиқаси Галина Константиновна давом эттирди.

**— Маълумки, «Педагогик поэма» муаллифининг ҳаётида буюк пролетар ёзувчиси Алексей Максимович Горький билан дўстлиги катта аҳамият касб этган. Улуғ ёзувчининг оддийгина рамкадаги сурати доим Макаренконинг иш столи устида турган. Сиз, Сергей Алексеевич, Горькийнинг Қурятка колониясига келиши билан боғлиқ воқеаларнинг бевосита шоҳиди бўлгансиз. Шу учрашув ҳақида гапириб берсангиз.**

— Бу воқеага деярли 60 йил бўлса ҳам у кечагидек ёдимда. Биз, колониячилар Горькийни яхши билардик, ўз ҳаётимиз, қилаётган ишларимиз ҳақида унга хат ёзиб турардик. Шунинг учун 1928 йил ёзида Алексей Максимович колониямизга келганида: «Бу ердаги ҳамма нарса Антон Семёнович ва унинг шогирдлари йўллаган мактублардан менга яхши таниш», — деган эди. У хат ёзган болаларнинг исм-фамилиясини ёдда сақлаб қолган, хўжалик қандай бошқарилишини ва ҳатто қурилишлар қаерга жойлашганини ҳам билар экан.

Колонияда М. Горький ҳамма нарсага қизиқди, сут фермамизни, боғимизни, гулзоримизни, отхона ва чўчқахонамизни бориб кўрди.

Шахсан ўзим Алексей Максимович билан икки марта учрашганман. Биринчи марта у колониямизга келганда буюк адиб шарафига тайёрланган тантанали маршда духовой оркестр музикачиси эдим. Иккинчи сафар эса электр станциясида машинист бўлиб ишлаётганимда кўрганман.

Эсимда, болалар Горькийга ҳар хил саволлар беришар, у эса отадек меҳрибонлик билан жавоб қайтарарди. Ўшанда колониячилар Алексей Максимовичга атаб «Тубанликда» пьесасини саҳнага қўйишган, спектакль унга жуда маъқул бўлган эди.

Алексей Максимович колониянинг механика-ёғочсозлик устахонаси махсус буюртма бўйича тайёрлаган бир вагон маҳсулотни Донбасс заводларидан бирининг вакилига топшириш маросимида ҳам қатнашган эди.

Завод вакили маҳсулотни қабул қилиб олар экан, Горькийга қараб унинг номидаги колония тарбияланувчилари шартнома юзасидан ўз мажбуриятларини намунали бажаришаётганини айтганда нақадар хурсанд бўлган эди.

Кейинчалик М. Горький бу ерда ўтказган уч кун ичида кўрганларини «Советлар Иттифоқи бўйлаб» очеркида тасвирлаган эди. Унда, жумладан, шундай дейилади: «А. С. Макаренко Харьков яқинидаги колониянинг ташкилотчиси... У чиндан ҳам иқтидорли педагог. Колониячилар уни ҳақиқатда яхши кўрадилар ва унинг тўғрисида гўё ўзлари кашф этган кишидек ифтихор билан гапирадилар. Ташқи кўринишдан шафқатсиздай, камгап, қирра бурун, кўзлари ақлли ва ўткир бўлган қирқ ёшлар чамасидаги бу киши ҳарбийларга ва «забардаст» қишлоқ ўқитувчисига ўхшаб кетади. Шамоллаган одамдай хириллаб гапиради, секин ҳаракат қилади, лекин ҳаммасига улгуради, барчани, ҳар бир колониячини яхши билади, гўё унинг характеридан дарҳол фотосурат олгандай тўрт оғиз сўз билан таърифлаб беради. Афтидан, унда гўдакни сездирмай эркалаш, улардан ҳар бирига илиқ гап айтиш, жилмайиш, сочи қирқилган бошини силаб қўйиш эҳтиёжи тараққий этган бўлса керак.

Командирлар йиғилишларида колониядаги ишнинг бориши, овқатланиш масалалари муҳокама қилинаётганда отрядлар ишидаги камчиликлар, нуқсонлар, хатоларни айтиб, бир-бирларини қўл билан кўрсатаётганларида — Антон Макаренко бир четда ўтиради, суҳбатга икки-уч оғиз гап билан камдан-кам аралашиб қўяди. Деярли бу гаплар ҳар доим таъна бўлса ҳам, лекин катта ёшдаги ўртоқдай самимий сўзлайди. Уни диққат билан тинглашади, отряднинг 24 аъзоси ҳаммадан кўра доно, тажрибали деб тан олган йигирма бешинчи ўртоқ сингари керакли нарсани тортинмай сўрайверишади.

...А. С. Макаренко болалар дилини яхши билади».

**— Сергей Алексеевич, ҳозирги кунда Антон Семёнович коммунистик тарбиянинг чинакам рицари бўлганига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Лекин ўша вақтда унинг душманлари ҳам оз эмасди.**

— Антон Семёнович «Педагогик поэма» асарида: «Менинг асосий принципим ҳамиша инсонга иложи борича кўпроқ талаб қўйиш, шу билан бир қаторда уни иложи борича кўпроқ ҳурмат қилишдир», — деб ёзган эди.

Макаренконинг мухолифлари (улар озчилик эмасди) фақатгина талабларини кўришар, у «шахс эркинлигини поймол қилаяпти», — деб жар солишарди. Макаренконинг педагогикадан бехабар амалдорлар ва бюрократларга қарши кураши узоқ вақт машаққат билан ўтди. Улар Антон Семёновичга ишлаш учун халақит беришар ва бу мухолифларга қарши курашиш безори болаларни тарбиялашдан кўра қийинроқ эди.

Ҳатто «Педагогик поэма» аввалига Москва нашриётлари томонидан босишга қабул қилинмади. Баъзи кишилар уни бизга ёт асар деб ҳисоблашди. Алексей Максимович қаттиқ талаб қилгандан кейингина поэманинг биринчи қисми 1933 йилда чоп этилди. Горький «Педагогик поэма»га жуда катта ғоявий аҳамиятга молик ажойиб асар, деб баҳо берган эди.

Кимдир Антон Семёновични педагогикадан четлашди, мавқеини бериб қўйди, деб айблади. Макаренко бунга қисқа жавоб қайтарди: «Мен педагогликдан воз кечганим йўқ, фақат қуролимни ўзгартирдим, холос».

«Педагогик поэма»ни ёзиб бўлгандан сўнг Макаренконинг адабий фаолияти янада кенгайди. У «Тарбия жараёнини ташкил этиш методикаси» асарини, «Ота-оналар китоби»ни, «Номус» ва «Минорадаги байроқлар» қиссаларини ёзди. Айниқса унинг «Ота-оналар китоби»да ёшларга қизғин меҳр-муҳаббат, уларнинг куч-ғайратига ишонч, муносиб ёш гражданларни тарбиялашда ота-оналарнинг масъулияти масалалари ёрқин ифодаланган.

Ҳа, бизда ёшлар тарбияси давлат аҳамиятига молик иш бўлиб, у бутун халқимиз ҳаёти, ҳозирги куни ва келажаги билан чамбарчас боғлиқ.

«Мен ғалабани кўрган жойимда жангчиларни қувонтириш ва ғанимларни ташвишга солиш учун тантана байроғини биринчи бўлиб кўтаришим керак, ўпирилишни кўрган жойимда халқимнинг мардлиги бу ўпирилишни иложи борича тезроқ бартараф этиши учун биринчи бўлиб бонг уришим керак».

Антон Семёнович Макаренконинг бу сўзлари бугунги кун тарбиячилари учун тантанали қасамёддай янграйверсин.

*Ўзимиз-ўзимизга табиб*

# БАҲОР ВА САЛОМАТЛИК

**Навқиронлик, мустаҳкам бардамлик, куч-қувват соҳиби бўлиш ва эрта қаримаслик ҳар бир одамнинг эзгу орзуси. Бироқ у истайдими-йўқми, кунлик ақлий ва жисмоний меҳнатдан сўнг ўзини ҳорғин сезади, фикрлаш ҳамда тафаккур қилиш қобилияти сусаяди. Улуғ олим Абу Али ибн Сино айни шу ҳолатни физиологик жараёнларнинг бузилиши деб ҳаққоний таърифлаган. Ҳақиқатан инсон узоқ муддат мобайнида ақлий ёки жисмоний иш билан шуғулланганда биринчи навбатда бош мия фаолияти издан чиқади. Айрим кишилар дармонсизлик асосан жисмоний меҳнатдан кейин безовта қилади дейишса, бошқалар буни ақлий меҳнатга менгзайдилар. Аслида иккаласининг ўртасида айтарли тавофут йўқ.**

**Баъзан шунақаси ҳам бўлади: аксарият одамлар баҳор фаслида ҳорғинликдан, силланинг қуришидан зорланадилар. Халқ орасида бу ҳолат кўпинча «илик узилди», «куч-қувват дов-дарахтларга ўтди» деб юритилади. Бунинг боиси шуки, қиш ва кўкламнинг алмашиш даврида об-ҳаво кескин ўзгаради. Натижада киши организмига қаттиқ таъсир этади. Қатор касалликлар, жумладан бод, жигар, буйрак, асаб, юрак-қон томирлари хасталикларининг шу пайтда қайталанишини ибн Сино X асрдаёқ аниқлаган эди.**

**Ҳозирги замон медицинаси буни, яъни метеорологик омилларнинг баъзи кишиларга кучли таъсир кўрсатишини тўла исботлади. Сабаби шуки, ҳаво босими, намгарчилик ва ҳароратнинг ўзгариб туришига уларнинг организми яхши мослашмаган. Текширишлар шуни кўрсатдики, қон босими, юрак сиқилиши, мияга қон қуйилиши (инсульт), юрак мушакларининг жонсизланиши (миокард инфаркти), ревматизм ҳамда нафас қисишининг кескинлашуви айни баҳорда кўпроқ содир бўлади. Айниқса ташқи муҳитдаги ўзгаришлар, яъни ер магнит майдони, электр кучи, қуёш активлиги ва ҳаво босими таъсири туфайли инсон организмидаги ҳужайралар қаттиқ безовталанади. Хусусан қуёш активлиги ошганда турли сигналларни қабул қилиш қобилияти сусайиб, меъда ширасининг хлорид кислота ишлаб чиқариш тартиби бузилади.**

**Инсон танаси ниҳоятда мураккаб тузилган. Унинг меҳнат фаолияти, яшаш тарзи хусусида ҳам шундай дейиш мумкин. Ишчи аъзолар: бош мия, юрак, ўпка, жигар, буйрак ва ошқозон-ичак системаси ҳамиша ҳаракатда. Бу одамнинг ўзига сезилмайди. Лекин организмда бирор модда етишмай қолса, киши дармони қуриётганидан албатта шикоят қилади. Бу ҳол айниқса баҳорда кўпроқ юз беради. Негаки, ана шу фаслда витаминга бой мева ва сабзавот маҳсулотлари эҳтиёжга нисбатан камроқ истеъмол этилади. Ваҳоланки, витаминлар олий асаб системаси, юрак, қон-томир фаолияти ва ошқозон ичакларининг маромида ишлашини таъминлайди. Айни пайтда у қон томирларининг деворларини мустаҳкамлайди, юрак мушаклари, бош мия фаолиятини активлаштиради. Устига устак ёғ, қанд, оқсил ва бошқа кимёвий моддаларнинг алмашинувида воситачилик вазифасини ўтайди.**

**Организм фаолиятида, хусусан тинка қуришининг олдини олишда минерал моддалар ва микроэлементлар, жумладан калий, магний, кальций, фосфор, мис, марганец, кобальт, олтин, фтор, темир муҳим аҳамиятга эга. Булар айниқса сабзи, карам, картошка, пиёз, ўрик, узум, олхўри, олма таркибида кўп миқдорда учрайди. Шунинг учун ҳозир ана шу неъматларни имкони борича кўпроқ танаввул қилиш керак. Бошқача айтганда, овқатланиш тартибига қатъий риоя этган ҳолда унинг тўйимлилигига катта эътибор бериш зарур. Таомлар, яхшиси, тухум, жигар, сариёғ, сут, икра, гўшт, сабзи, шолғом, қизил лавлаги, помидор қоқи, ошқовоқ, исмалоқ ва ялпиздан тайёрлангани маъқул. Ялпиз, исмалоқ, помидор қоқи, кўк пиёзда С витамини беҳисоб. Бу кўкатлар организмда тез ҳазм бўлади, қон томирларининг деворларини шикастланишдан сақлайди.**

**Баҳор фаслида организмда юз берадиган ҳорғинлик, силла қуришидан бирданига халос бўлиш қийин. Бунинг учун яёв юриш, очиқ ҳавода сайр этиш, жисмоний меҳнат билан шуғулланиш, рўзғор юмушларини бажаришни канда қилмаслик керак. Айниқса физкультура ва спорт организмдаги жамики жараёнларга яхши таъсир этади, хотирани кучайтиради, мушаклар ҳамда асаб системасини чиниқтиради. Бинобарин дармонсизликка табиий малҳам бўлади. Демак, ҳамиша тетик ва бардам, касалликлардан холи юриш, яъни узоқ умр кўриш ўзимизга кўп жиҳатдан боғлиқ.**

**О. АЗИЗХЎЖАЕВ,**
**медицина фанлари доктори.**

*Наботот олами*

# ЁВВОЙИ БОДОМ

Бодом гуллади. Демак, Ўрта Осиёга, чунончи серқуёш Ўзбекистонга баҳор келди. Бу дарахт қадим замонлардан бери наботот оламида алоҳида ўрин тутади. Унинг данаклари бундан 8 минг йил муқаддам топилгани шундан далолат. Ўрта Осиё ва Шимолий Эроннинг тоғлиқ районлари фойдали бу неъматнинг асосий ўсиш ерлари ҳисобланади. Эрамиздан уч-тўрт минг йил илгари бу регионлардан бодомнинг Юнонистонга олиб кетилганлигини Фессалда ўтказилган археологик қазилмалар яққол тасдиқлади. Унинг меваси эрамиздан 1000 йил муқаддам Хитойда ҳам маълум бўлган.

Қадимги афиналиклар уни мевали экин ҳисоблаганлар ва сабзавот қатори полизларга экканлар. Эрамиздан аввалги II асрда бодом кўчати Юнонистондан Римга олиб борилди. У кейинчалик Апеннин ярим оролида оқсуяк римликларнинг боғларида ўстирилган.

Бодом меваларини Рим ва Юнонистонда дастурхонни безатишда ширинлик сифатида ишлатганлар. Ўша вақтларда Ўрта денгиз — Пиреней ярим ороли ва Шимолий Африкада ҳам кенг тарқала бошлайди. Эрамизнинг VI асрига келиб юнонлар уни Таврия ерларига ҳам олиб келиб ўстиришга ҳаракат қилганлар.

Мевали бу дарахт Закавказье ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг кўп жойларида, хусусан Фарғона водийсида кўплаб ўстирилади. Тожикистоннинг Конибодом шаҳри қадимда «Кенд-и-бодом» номидан келиб чиққани тарихдан маълум.

Бодом мағзидан озиқ-овқат саноатида, масалан, кондитер маҳсулотларини тайёрлашда, мойидан эса атторлик ва доривор моддалар, совун ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Уни ёввойи ҳолда Тянь-Шань, Копетдоғ тизмалари, Эрон ва Кичик Осиё, Болқон ярим оролида учратиш мумкин, 40 дан ошиқ тури мавжуд. Шундан 17 таси мамлакатимизда, 11 таси эса Ўрта Осиёда ўсади.

Шифобахш, минг дардга даво бу неъматдан минг йиллардан бери фойдаланиш, ҳосилини йиғиб олиш, ёғочини эса ўтин ўрнида ишлатиш оқибатида кейинчалик камайиб кетган. Шу боис унинг икки тури СССРнинг «Қизил китоби»га ёзилган.

Кам учрайдиган Вавилов бодомидан селекция ишларида қўлланиш мумкин. У фақат Туркманистоннинг Маркоп тоғларида ўсади. Кейинги изланишлар бу тур ҳам йўқолиб кетганини кўрсатди.

Сўзан бодоми ҳам кам учрайди. Ундан селекция ва генетикада янги навларни яратишда фойдаланилади.

Бодомнинг ёввойи турларини сақлаш учун барча имкониятларни ишга солишимиз керак.

**М. ИСМОНОВА.**



**ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Сирожиддин Нуриддинов Калинин районидаги В. Маяковский номли ўрта мактабда 47 йилдан бери ишлаб келаяпти. Коллектив ўртасида катта обрў-эътибор қозонган тажрибали педагог ҳамиша шогирдлари эъзозида.**

**СУРАТДА: С. Нуриддинов бошланғич синф ўқувчилари даврасида.**

Б. ҒАФУРОВ фотоси.

*Қишлоғимиз жамоли*

# КЎРКАМ МАҲАЛЛА

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги арафасида Қўрғонтепа районидаги Куйбишев номли совхознинг «Пахтачи» маҳалласида мақтаса арзигудек оталар чойхонаси очилди. Унга «Октябрнинг 70 йиллиги» номи берилди. Шаҳардан, райондан, областдан, қўйингки яқин-йироқдан меҳмонлар ташриф буюришди. Кўриб ҳамманинг ҳаваси келди.

Гап қадимий Шарқ меъморчилигининг гўзал нақшиндор жилоларида эмас, албатта. Ташландиқ ётган ерда ҳашар усули билан шундай ажойиб бинонинг тикланиши кимни қувонтирмайди дейсиз!

— Одамларимиз жуда иноқ, — дейди маҳалла комитетининг раиси Эркинжон Тўрахонов. — Яхши таклиф, мулоҳаза билдирилса, кўпчилик бир бўлиб амалга оширишга киришади.

Эркинжон Тўрахонов — Ильичевск умумий овқатланиш корхонасининг директори. Бўш вақти кам бўлади. Бироқ ҳамма ишга улгуради, маҳалласи учун ҳамиша вақт топа олади. Унинг ўринбосари Юсуфжон ака Исмоилов Октябрь тенгдоши. Лекин ҳали кексаликка бўйин берганича йўқ. Халқ иши учун йигитлардек камарбаста.

— Эски, харобага айланган масжидни бузганимиздан кейин чойхона қуриш фикри туғилиб қолди, — дейди Юсуфжон ака. — Масжид ёғочларини усталарга бериб, қайта ишлатдик. Албатта, югур-югури ҳам кўп бўлди. Лекин ҳеч ким оғринмади. Мана энди сира хижолат тортмай меҳмон чақираверсак арзийди.

Юсуфжон аканинг бутун умри элга ҳалол хизмат қилиш билан ўтаяпти. Ҳозирги Куйбишев номли совхоз ўрнидаги собиқ Акмал Икромов номли колхозда 20 йилга яқин тракторчилик қилди. МТСда участка механиги, бригадир бўлиб ишлади. Улуғ Ватан уруши бошланмасдан уч ой олдин ҳарбий хизматга чақирилиб, қишлоғига урушдан сўнг қайтди. Жасоратлари эвазига жанговар орден ва медаллар билан тақдирланди.

Биринчилардан бўлиб Марказий Фарғона чўлларини ўзлаштиришга отланди. Ўша ерда уйланди. 1945 йилдан 1951 йилгача участка механиги бўлиб ишлади. 1951 йилдан бошлаб роса ўн йил Боғдод районидаги Охунбобоев номли колхозда бригадирлик қилди. Пахта етиштиришдаги улкан муваффақиятлари учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвонига эришди. Соғлиги бироз ёмонлашгандан сўнг 1962 йилда ўз қишлоғига қайтиб келди.

Маҳалла кишилари ҳақида кўп гапириш мумкин. Бу ерда ўсиб вояга етганлар орасида ишчи ва колхозчини ҳам, агроном ва врачни ҳам, санъаткор ва бинокорни ҳам учратасиз. Уларнинг ҳаммаси ўз касбининг устаси, элга астойдил хизмат қилаётган одамлар.

Ўзбекистон ССР халқ артисти марҳум Маматазиз Ниёзов, сўз устаси, таниқли аскиячи Абдулҳаймахсум Қозоқов, донгдор пахтакор Райимжон Аҳмедовлар ҳам шу маҳаллалик.

«Кўпчиликдан қуён қочиб қутулмас» деганларидек, турли маросимлар бамаслаҳат, тартибли, камчиқим, ичкиликсиз ўтказилади. Шу боисданми, оилалар ўртасида ажралиш, уриш-жанжал камдан-кам бўлади. Олтин ва кумуш тўйлар, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома топшириш, ҳарбий хизматга кузатиш маросимлари алоҳида тантана билан ўтади. Айниқса «Хотира куни»ни ўтказиш, қабристонларни тартибга келтиришга алоҳида эътибор берилади. Бу ишларга Райимжон Аҳмедов, Абдумалик Қосимов, Абдуқаҳҳор Қосимов, Собиржон Халилов сингари меҳнат ва уруш ветеранлари бош-қош бўлишаяпти.

Хуллас, йўлингиз Қўрғонтепа районига тушса, «Пахтачи» маҳалласига бир кириб ўтинг. «Октябрь 70 йиллиги» чойхонасида бир пиёла кўк чой ичиб, тадбиркор ва ташаббускор одамлар суҳбатида иштирок этсангиз, ажойиб урф-одатларимизнинг ҳаётбахшлилигига яна бир бор гувоҳ бўласиз.

**О. АБДУРАҲМОНОВ.**

# ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

Мексикада гули ранг-баранг товланадиган ўсимлик бор. У тонгда оппоқ, кейин пушти, тушга яқин тўқ қизил, оқшом чоғи бинафша рангга киради, тунда эса яна оппоқ бўлиб қолади. Қизиғи шундаки, фақат оқ тусга киргандагина ҳид таратади.

* * *

Ўсимликлар орасида кунгабоқарнинг поя ўзаги энг енгил ҳисобланади. Бир куб сантиметрининг оғирлиги 0.028 грамм.

* * *

Тола берадиган ўсимлик — луб иплари мустаҳкамлиги жиҳатидан томир билан бемалол тенглаша олади, тортишиш кучи эса металлга нисбатан 15 марта кўп.

* * *

Ўрта денгиз соҳилларидаги қуруқ тошлоқ-тупроқли ерларда компас дарахт — Алепп қарағайи ўсади. Унинг баландлиги 15 метрга етади, танаси ҳар доим жанубга томон қийшайиб туради. Шунинг учун ҳам унга қараб Ер шаридаги давлатларнинг жойланишини айтиш мумкин.

* * *

Дунёда энг катта япроқ Амазонка дарёси соҳилларида ўсадиган Рафия пальмасиникидир. Унинг чодирдек кенг, кўм-кўк барра баргларининг узунлиги 22 метр, эни 12 метр, банди эса 5 метр. Остида ёмғирдан ёки офтобдан 10 нафар киши бемалол бошпана топиши мумкин.

Тўпловчи:
**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ.**

# СПОРТ АХБОРОТИ

## ФУТБОЛ

Олий лигада иккинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Киевнинг «Динамо» клуби Донецкда маҳаллий «Шахтёр» коллективи билан дуранг (1:1) ўйнади. «Арарат» мавсумни ғалаба билан бошлади. Ереванликлар «Жальгирис» командасини қабул қилиб, 1:0 ҳисобида устун келдилар.

Бошқа матчлар натижаси: «Днепр» (Днепропетровск) — «Металлист» (Харьков) — 1:1, «Черноморец» (Одесса) — «Қайрат» (Олмаота) — 1:0, «Спартак» (Москва) — «Торпедо» (Москва) — 0:0.

* * *

Сочида биллур соврин — СССР кубоги учун зонал учрашувлари бошланди. Бу ерда ЦСКА, «Гурия», (Ланчхути), «Помир» (Душанбе), «Колос» (Никополь), «Котайк» (Абовян) ва «Пахтакор» командалари ўзаро куч синашадилар. Мусобақа ғолиби 30 июлда бўладиган ярим финалда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

«Пахтакор» илк матчини «Колос» билан ўтказди.

## ХОККЕЙ

СССР чемпионатида совринли ўринлар учун кураш тобора кескин тус олаётир. Навбатдаги учрашувлар ҳам бунинг ёрқин далили бўлди. Жумладан, пешқадам — «Крилья Советов» сафарда йирик ҳисобда ғалаба қозонди. Москваликлар «Автомобилист» (Свердловск) командасини енгишди — 7:1.

Бошқа учрашувлар қуйидаги натижаларни берди: ЦСКА — «Сокол» (Киев) — 9:5, «Спартак» (Москва) — СКА (Ленинград) — 9:3, «Трактор» (Челябинск) — «Динамо» (Москва) — 2:2, «Динамо» (Рига) — «Химик» (Воскресенск) — 8:1.

## ШАХМАТ

Эркаклар ўртасидаги республика 53-чемпионатида А. Карпов (Тошкент), С. Нодирхонов (Бухоро), А. Барсов (Самарқанд), М. Салтаев (Чирчиқ), Р. Зиётдинов (Тошкент), Я. Гейслер (Чирчиқ), А. Ненашев, А. Тошхўжаев, Д. Қаюмов, Н. Айдаров, А. Паранян, Т. Воҳидов, Э. Гриншпун, В. Логинов (Тошкентдан), С. Загребельний (Чирчиқ) ва В. Косокин (Тошкент) ғолиблик учун баҳс юритишаяпти.

Редактор
**А. Ғ. МУХТОРОВ.**

# ТЕЛЕВИЗОР ХИЗМАТДА

**16 МАРТ**
**ЧОРШАНБА**

● МТ I

7.00 **«120 минут».**
9.05 «Шерлок Холмс ва доктор Ватсоннинг саргузаштлари. XX аср бошланади». Телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар («Ленфильм»).
11.35 Янгиликлар.

* * *

16.00 Янгиликлар.
16.15 «Қайта қуриш прожектори».
16.25 «Агросаноатнинг ишлари ва ташвишлари». Телевизион ҳужжатли фильмлар премьераси: **«Ишонч»** («Укртелефильм»), **«Оқ бузоқ ҳақида қисса»** (Тошкент).
17.05 «Салом, музика!». Мактаб ўқувчилари учун кўрсатув.
17.50 **Фан: назария, тажриба, практика.**
18.20 «Фидойи шахслар». Куйбишев областининг ташаббускор ёшлар группалари ҳақида.
19.05 «Дунё воқеалари».
19.25 «Раҳмат, Верний». Мультфильм.
19.35 **«Объектив шароит».** Телевизион фильм-спектакль премьераси. Автор — А. Борин.
21.30 **«Время».**
22.05 «Қайта қуриш прожектори».
22.15 «Табиат билан ҳамжиҳатликда». **«Саҳродаги тимсоҳ».** Ҳужжатли фильм.
22.35 Футбол. Кубок эгалари кубоги. 1/4 финал. «Динамо» (Минск) — «Мехелен» (Бельгия). Минскдан кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.25) — «Дунё воқеалари».
00.25 Сан-Ремодаги итальян қўшиқлари фестивалида. 1-кўрсатув.

● МТ II

15.15 **Такрорий телефильмлар кундузги сеанси.** «Виждон», 3-серия.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.40 «Қадрдон ўтмиш». **«Рус Устьеси ҳақида хотира».** Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Иркутск).
19.00 Замондошларимиз музикалари. Композитор Г. Канчели.
20.00 **Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун.** «Кооперативлар: бундан буён қандай ривожланади?», 1-кўрсатув.
20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!
20.45 Британия билан учрашувлар. Москва — Манчестер телекўприги.
21.30 **«Время».**
22.05 «Қайта қуриш прожектори».
22.15 **Чет эл фильмлари экрани.** «Кралевога борадиган поезд» (ЮСФР).
23.35 Янгиликлар.

● ЎзТВ

7.00 **«Ассалому алайкум».** Информацион-музикали программа.

* * *

16.45 «Юлдузча». Болалар учун киноальманах.
17.30 Биология. Микроэволюция.
17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 «Ўқитувчи экрани». Дарс жараёнида ўқувчиларнинг меҳнатга бўлган кўникмаларини шакллантириш.
18.30 «Алиса мўъжизалар мамлакатида». Мультфильм.
19.00 **Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси олдидан.** «Ҳозирги босқичда КПССнинг интернационал сиёсати».
19.30 **«Ахборот»** (рус.).
19.45 «Ижод саҳифалари». Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.
20.30 **«Ахборот».**
20.50 Тожикистон ССР халқ артисти Жўрабек Набиев куйлайди (такрор.).
21.30 Москва. **«Время».**
22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори».
22.15 Экранда — классик адабиёт. «Уйланиш». Бадиий фильм («Ленфильм»).
23.50 Кўрсатувлар программаси.

●

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.35 «Севги изҳори». Ҳужжатли фильм.
20.30 Совет Армияси жангчилари учун. «Ватан посбонлигида» (рус.).

ДУШАНБА КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. **«Время».**
22.05 Москва. «Қайта қуриш прожектори».
22.15 «Хотирот». Аркадий Райкин.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» — «СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

**БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32**

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими —33-54-33, 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

Р. 10640. А. 1053. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12